

ISSN 2181-2357

XALQARO NAZARIY VA AMALIY TADQIQOTLAR
JURNALI

INTERNATIONAL JOURNAL OF THEORETICAL AND PRACTICAL RESEARCH

JURNAL FARG'ONA POLITEXNIKA
INSTITUTI HAMKORLIGIDA NASHR
ETILADI

VOLUME 2,
Issue 9
2022





«Al-Ferganus» MChJ.

A. M. Abdullayev

2-tom, 9 -son.

«Nazariy va amaliy tadqiqotlar xalqaro jurnali»

Ilmiy jurnal.

Sentyabr 2022 y.

2021 yil noyabrdan beri nashr etilmoqda.

Oyiga bir marta nashr etiladi. 16+

Tahririyat kengashi raisi Salomov O'ktam Raximovich, Rector of FerPI

Bosh muharrir K. I. Kurpayanidi

Tahririyat hay'ati: A.M.Abdullaev, M.S.Ashurov, E.A.Mo'minova, K.X.Abduraxmonov, A.N.Asaul, A.V.Burkov, U.V.G'ofurov, M.A.Ikromov, D.Kudbiev, E.S.Margianiti, B.Obrenovich, L.NA Sultonov, L.NA. , A.Xasanov, Sh.T.Karimov, Sh.Sh.Salixanova, U.K.Alimov, S.M.Turabdjano, B.A.Alimatov, R.J.Tozhiyev, A.A.Risqulov, B.M.Tursunov, A.A.Shermukhamedovsh, Y.S.A. H.A.Akramov, M.X.Hakimov, Sh.M.Iskandarova, Z.M.Sobirova, A.M.Muxtorova, L.M.Babaxo'jaeva.

Tahririyat manzili: 150107

Farg'ona shahri, Farg'ona ko'chasi, 86 -
uy

Тел. +998971003888

<https://alferganus.uz/en/site/index>

E-mail: alferganus.ltd@gmail.com



IF(Impact Factor) **8.7 / 2021**
<http://journalseeker.researchbib.com/view/issn/2181-2357>



TOGETHER WE REACH THE GOAL
SJIF 2022: 5,962
<http://sjifactor.com/passport.php?id=21994>

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti administratsiyasi huzuridagi axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligida ro'yxatga olingan.

Ro'yxatga olish № 1189 Berilgan sanasi: 17-06-2021.

Xalqaro nazariy va amaliy tadqiqotlar jurnali Crossref, OpenAIRE, Google Scholar bazalariga kiritilgan.

Impact-faktor 2021 Evaluation Pending



CC litsenziyasi turi: Attribution 4.0 International (CC BY 4.0).

Jurnal jahon va mintaqaviy darajada fan va amaliyotning rivojlanish masalalariga bag'ishlangan.

Jurnal olimlar, o'qituvchilar, doktorantlar, talabalar uchun mo'ljallangan.

Nazariy va amaliy tadqiqotlar xalqaro jurnali.

2022. T. 2. №9. <https://alferganus.uz>

ISSN 2181-2357



9 772181 235007 >

© «Al-Ferganus» MChJ,
2022 Farg'ona, O'zbekiston



License type supported CC: Attribution 4.0 International (CC BY 4.0)



«Al-Ferganus» LLC.
A. M. Abdullaev
“International journal of theoretical and practical research”
Scientific Journal.
Published since November 2021.
Schedule: monthly. 16+

Volume 2, Issue 6-8

September, 2022.

Chairman of the Editorial Board Salomov Uktam Rakhimovich, FarPI rektori

Editor-in-chief K. I. Kurpayanidi

Editorial Board: A. M. Abdullaev, M. S. Ashurov, E. A. Muminova, K. Kh. Abdurakhmanov, A. N. Asaul, A. V. Burkov, U. V. Gafurov, M. A. Ikramov, D. Kudbiev, E. S. Margianiti, B. Obrenovich, L. Ivars, K. E. Onarkulov, N. A. Sultanov, A. Khasanov, Sh. T. Karimov, Sh. Sh. Khamdamova, D. S. Salikhanova, U.K. Alimov, S.M. Turabdzhanov, B.A. Alimatov, R.Zh. Tozhiev, A.A. Riskulov, B.M. Tursunov, A.A. Shermukhamedov, S. F. Ergashev, Y.S. Abbasov, Kh.A. Akramov, M.Kh. Khakimov, Sh.M. Iskandarova, Z.M. Sobirova, A.M. Mukhtarova, L.M. Babakhodzhaeva.

Address of the editorial office:

150107

Fergana city, Fergana str., 86.

Phone +998971003888

<https://alferganus.uz/en/site/index>

E-mail:

alferganus.ltd@gmail.com



IF(Impact Factor) **8.7 / 2021**

<http://journalseeker.researchbib.com/view/issn/2181-2357>



TOGETHER WE REACH THE GOAL
SJIF 2022: 5,962

<http://sjifactor.com/passport.php?id=21994>

Registered with the Agency of Information and Mass Communications under the Administration of the President of the Republic of Uzbekistan.
Registration No. 1189 dated 17-06-2021.

The journal "International Journal of Theoretical and Practical Research" is included Crossref, OpenAIRE, Google Scholar.

Impact-factor 2021 Evaluation Pending




License type supported CC: Attribution 4.0 International (CC BY 4.0).

The Journal addresses issues of global and regional Science and Practice. For scientists, teachers, doctoral students, students.

(2022). International journal of theoretical and practical research, 2(9).

<https://alferganus.uz>

ISSN 2181-2357



9 772181 235007 >

© LLC «Al-Ferganus»,
2022, Fergana, Uzbekistan



License type supported CC: Attribution 4.0 International (CC BY 4.0)



«Al-Ferganus» ООО.

А. М. Абдуллаев

«Международный журнал теоретических и практических исследований»

Научный журнал.

Издается с ноября 2021 г.

Выходит один раз в месяц. 16+

Том 2, Номер 9.

Сентябрь 2022 г.

Председатель редакционного совета Саломов Уктам Рахимович, ректор ФерПИ

Главный редактор К. И. Курпаяниди

Редакционная коллегия: А.М.Абдуллаев, М.С.Ашуров, Э.А.Муминова, К.Х.Абдурахманов, А.Н.Асаул, А.В.Бурков, У.В.Гафуров, М.А.Икрамов, Д.Кудбиев, Э.С.Маргианити, Б.Обренович, Л.Иварс, К.Э.Онаркулов, Н.А.Султанов, А.Хасанов, Ш.Т.Каримов, Ш.Ш.Хамдамова, Д.С.Салиханова, У.К.Алимов, С.М.Турабджанов, Б.А.Алиматов, Р.Ж.Тожиев, А.А.Рискулов, Б.М.Турсунов, А.А.Шермухамедов, С.Ф.Эргашев, Ё.С.Аббасов, Х.А.Акрамов, М.Х.Хахимов, Ш.М.Искандарова, З.М.Собирова, А.М.Мухтарова, Л.М.Бабаходжаева.

Адрес редакции: 150107

г. Фергана, ул. Ферганская, 86

Тел. +998971003888

<https://alferganus.uz/en/site/index>

E-mail: alferganus.ltd@gmail.com



IF(Impact Factor) 8.7 / 2021

[http://journalseeker.research](http://journalseeker.researchbib.com/view/issn/2181-2357)

[bib.com/view/issn/2181-](http://journalseeker.researchbib.com/view/issn/2181-2357)

[2357](http://journalseeker.researchbib.com/view/issn/2181-2357)



TOGETHER WE REACH THE GOAL

SJIF 2022:5,962

[http://sjifactor.com/passp](http://sjifactor.com/passport.php?id=21994)

[ort.php?id=21994](http://sjifactor.com/passport.php?id=21994)

Зарегистрирован в Агентстве информации и массовых коммуникаций при Администрации

Президента Республики Узбекистан.

Регистрации № 1189 от 17-06-2021.

Журнал «Международный журнал теоретических и практических исследований» включен в Crossref, OpenAIRE, Google Scholar.

Импакт-факторы журнала: 2021 Evaluation Pending



Тип лицензии CC поддерживаемый журналом: Attribution 4.0 International (CC BY 4.0).

В журнале рассматриваются вопросы развития мировой и региональной науки и практики. Для ученых, преподавателей, докторантов, студентов.

Международный журнал теоретических и практических исследований. 2022. Т. 2. №9.

<https://alferganus.uz>

ISSN 2181-2357



9 772181 235007 >

©ООО «Al-Ferganus»,
2022, Фергана, Узбекистан



License type supported CC: Attribution 4.0 International (CC BY 4.0)



International journal of
theoretical and practical
research

Scientific Journal

Year: 2022 Issue: 9

Volume: 2

Published:

30.09.2022

<http://alferganus.uz>

Citation:

Пысов, А.А. (2022). German experience of state support of export of industrial products. *SJ International journal of theoretical and practical research*, 2 (9), 46-56.

Илёсов, А.А. (2022). Саноат маҳсулотлари экспортини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг германия тажрибаси. *Nazariy va amaliy tadqiqotlar xalqaro jurnali*, 2 (9), 46-56.

Doi:

<https://dx.doi.org/10.5281/zenodo.7187496>

QR-Article



**Пысов, Asrorjon Akhrorjon
ugli**

Senior Lecturer, PhD

Department of Economics,

Fergana Polytechnic Institute

E-mail: i.asror@ferpi.uz

UDC 339.564

GERMAN EXPERIENCE OF STATE SUPPORT OF EXPORT OF INDUSTRIAL PRODUCTS

Abstract. *The article analyzes the German experience of state support for the export of industrial products. The purpose of the study is to develop, based on the analysis, proposals and recommendations for the further development of exports of industrial products in our country. The study used methods of comparative analysis, grouping and synthesis.*

Key words: *information and consulting system, financial mechanisms, mechanisms to support the export of industrial products, insurance, organizational and economic mechanisms.*

САНОАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ЭКСПОРТИНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИНГ ГЕРМАНИЯ ТАЖРИБАСИ

Илёсов, Асроржон Ахроржон ўғли
Катта ўқитувчи, и.ф.ф.д.(PhD)





“Иқтисодиёт” кафедраси,
Фаргона политехника институти
E-mail: i.asror@ferpi.uz

Аннотация. Мақолада саноат маҳсулотлари экспортини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг Германия тажрибаси таҳлил қилинган. Тадқиқот мақсади таҳлил асосида мамлакатимизда саноат маҳсулотлари экспортини янада ривожлантириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат. Тадқиқотда қиёсий таҳлил, гуруҳлаш ва синтез усулларидан фойдаланилган.
Калит сўзлар: ахборот-маслаҳат тизими, молиявий механизмлар, саноат маҳсулотлари экспортини қўллаб-қувватлаш механизмлари, суғурталаш, ташкилий-иқтисодий механизмлар.

НЕМЕЦКИЙ ОПЫТ ГОСУДАРСТВЕННОЙ ПОДДЕРЖКИ ЭКСПОРТА ПРОМЫШЛЕННОЙ ПРОДУКЦИИ

Илёсов, Асроржон Ахроржон угли
Старший преподаватель, PhD
Кафедра “Экономика”,
Ферганский политехнический институт
E-mail: i.asror@ferpi.uz

Аннотация. В статье анализируется немецкий опыт государственной поддержки экспорта промышленной продукции. Цель исследования - на основе анализа разработать предложения и рекомендации по дальнейшему развитию экспорта промышленной продукции в нашей стране. В исследовании использовались методы сравнительного анализа, группировки и синтеза.
Ключевые слова: информационно-консультационная система, финансовые механизмы, механизмы поддержки экспорта промышленной продукции, страхование, организационно-экономические механизмы.

Кириш

Ривожланган мамлакатлар саноат маҳсулотлари экспортини қўллаб-қувватлаш чоралари ва механизмларини қўллаш тажрибасини ўрганиш миллий экспортни қўллаб-қувватлаш тизимларидан фойдаланишни такомиллаштириш имконини берганлиги сабабли самарали халқаро тажриба сифатида алоҳида қизиқиш уйғотмоқда.

Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солишда мавжуд экспорт салоҳиятидан самарали фойдаланишни таъминлашга йўналтирилган миллий экспортчиларни рағбатлантириш усуллари алоҳида ўрин тутди. Бу ўринда Япония тажрибасини ўрганиш муҳим ўрин тутди.





Хорижий давлатларда қўлланилаётган давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чоралари саноат маҳсулотлари экспортини қўллаб-қувватлашнинг хилма-хил, турли туман ташкилий-молиявий механизмларни ўз ичига олади.

Экспортнинг миллий давлат суғуртаси ҳукуматнинг умумий иқтисодий сиёсати, мамлакатнинг иқтисодий ҳаётда бевосита иштирок этишига бўлган муносабати, миллий суғурта тизимининг ўзига хос хусусиятлари ва бошқа баъзи омилларга боғлиқ ҳолда турли хил ташкилий шаклларга эга. Экспортни суғурталаш давлат ташкилотлари ёки вазирликлар (масалан, АҚШ, Буюк Британия, Япония), ҳукумат номидан ва унинг топшириғига асосан хусусий суғурта компаниялари ёки банклар томонидан (Германия, Австрия), жамоат ташкилотлари ёки фондлар (Швеция, Финляндия), давлат мулки иштирокидаги молиявий институтлар томонидан амалга оширилади (Франция, Испания).

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили

Илёсов А. (2020) рақамли иқтисодиётда рақамли ишлаб чиқариш ва саноат маҳсулотларини экспорт қилишдаги айрим муаммоларга эътибор қаратилган [1].

Курпаяниди К., Илёсов А. (2020) мамлакатимиз экспорт салоҳиятини ошириш контекстида рақамли технологиялардан саноатда фойдаланиш муаммоларини ўргандилар [2].

Курпаяниди К. ва бошқалар. (2020) Ўзбекистонда рақобатбардош миллий инновацион тизимни шакллантириш масаласи таҳлил қилинган [3].

Курпаяниди К., Илёсов А. (2020) рақамли иқтисодиётда саноат маҳсулотлари экспортининг ривожланиш истиқболлари ўрганилган [4].

Абдуллаев, А. М., & Курпаяниди, К. И. (2020) саноат корхоналарида инновацион бошқарув методологияси ва механизмлари тадқиқ қилинган [5].

Илёсов, А. (2021). этс. (2021). Саноат маҳсулотлари экспортини ривожлантиришда кластерли ёндашувга асосланган механизмлардан фойдаланиш истиқболлари ўрганилган [6].

Илёсов, А. А. (2020). Саноат маҳсулотлари экспортининг мамлакат ва ҳудудий даражадаги таҳлили асосида айрим амалий таклифлар ишлаб чиқилган [7].

Илёсов, Асроржон Ахроржон ўғли (2022). Саноат маҳсулотлари экспорти ҳудудий таҳлил қилинган, омиллар ва экспортдаги тенденциялар ўрганилган [8].

Курпаяниди, К. И., & Илёсов, А. А. (2020). Пандемия даврида жаҳон ва ҳудудий саноат маҳсулотлари экспортга таъсир қилувчи омиллар тадқиқ қилинган [9].

Тадқиқот методологияси.

Тадқиқотда тизимли таҳлил, синтез, статистик гуруҳлаш, эксперт баҳолари ва бошқа усуллардан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар.

Германия экспортини қўллаб-қувватлаш тизимининг асосий хусусиятлари юқори барқарорлик ва самарадорлик, федерал, минтақавий даражада ривожланган институционал тузилма ва замонавий қўллаб-қувватлаш воситаларининг мавжудлиги ҳисобланади.

Германияда экспортни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг энг муҳим элементи молиявий характердаги чора-тадбирлар бўлиб, биринчи навбатда,





кредитлаш, суғурталаш ва давлат кафолатларини бериш сифатида намоён бўлади. Ушбу масалалар бўйича қарорларни Германиянинг турли вазирлик ва идоралари вакилларида иборат Вазирликлараро қўмита қабул қилади.

Амалда Германияда экспортни қўллаб-қувватлаш тизимлари қуйидаги молиявий чораларни қўлламоқда:

- хорижда немис фирмалари экспорт кредитлари ва инвестицияларини суғурталаш;
- экспортёрларни қўшилган қиймат солиғини тўлашдан озод қилиш;
- саноат тармоқларини бевосита ва билвосита субсидиялаш;
- илмий тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишланмалари (ИТТКИ – НИОКР)ни молиявий қўллаб-қувватлаш.

Германия экспортини бевосита молиялаштириш асосан ихтисослаштирилган давлат кредит ташкилотлари, шунингдек, хусусий банклар томонидан амалга оширилади. Кичик ва ўрта бизнес экспорт ва лойиҳавий молиялаштиришга ихтисослашган хусусий банклар консорциуми АКА (<https://www.akabankde.de>) ва KfW давлат банк гуруҳи (<https://www.kfw.de/kfw.de>) мамлакатдаги этакчи экспорт кредит ташкилотлари ҳисобланади.

Германияда экспортни молиялаштиришнинг зарурий шарти дунёдаги экспорт кредитларини суғурталашга ихтисослашган энг йирик суғурта компанияси Euler Hermes Kreditversicherungs-AG даги (<https://www.eulerhermes.de>) - Euler Hermes - ҳисобланади. Euler Hermes бир вақтнинг ўзида ўз фаолиятини консорциумда этакчи консалтинг фирмаларидан бири, консалтинг ва аудиторлик соҳасида профессионал хизматларини таклиф этувчи компаниялар халқаро тармоғидаги Германия филиали – PricewaterhouseCoopers билан бирга олиб боради.

Ушбу ваколатли компаниялар қуйидагилар учун жавобгардирлар:

- немис экспортёрларининг буюртмаларини амалда сиёсий ва иқтисодий таваккалчилик нуқтаи назаридан таклиф қилинаётган битимларнинг ишончлилигини дастлабки текшириш;
- Вазирликлараро қўмита доирасида уни муҳокама қилиш учун комплекс буюртма тайёрлаш;
- суғурта битимини расмийлаштириш;
- суғурта қилинган экспорт операциялари давомида немис экспортчисини кузатиб бориш;
- суғурта ҳодисаси юз берганда суғурта пули тўланишини таъминлаш.

Euler Hermes суғурта учун маблағларни давлат бюджетидан олади. Ушбу маблағлар ҳисобидан суғурта ҳодисаси бўйича тўловлар тўланади. Консорциум ўз фаолияти учун тўловларни суғурта полиси эгалари томонидан буюртмалар топширилгандан кейин текшириш учун олинган йиғимлар ҳисобига амалга оширади. Йиғимлар суммаси битимнинг умумий миқдоридан келиб чиқиб ҳисобланади ва бу суғурта қопламаси миқдорига боғлиқ эмас.

Йиғимлар битим суммаси билан бир қаторда, қуйидаги параметрлар билан аниқланади:

- мамлакат категорияси;
- битимнинг давомийлиги (унга қўйиладиган талаблар);





- харидорнинг статуси (хусусий ёки давлат);
- банк кафолати мавжудлиги ёки йўқлиги.

Экспортни қўллаб-қувватлашнинг зарур чора-тадбирлари ва процедуралари "Экспорт кафолатларини қабул қилиш бўйича кўрсатмалар" (немисча: "Gesetz zur Uebernahme von Sicherheits- und Gewährleistungen im Ausfuhrgeschaef") да ўз аксини топган, унга мувофиқ барча чора-тадбирлар (тақдим этилган кафолат ва кафилликлар) мамлакат манфаатлари ва амалдаги халқаро ҳуқуқ нормаларига зид бўлмаслиги керак.

Кўрсатмаларга мувофиқ, Германия давлати иқтисодий ва сиёсий рисклардан ҳимоялаш учун кафиллик ва кафолатлар беради. Асосий иқтисодий рискларга хусусий қарздорларнинг банкротлиги ёки қарзни тўлаш муддати белгиланган санадан кейин олти ой ичида тўланмаслик эҳтимоллиги киради.

Агар немис экспортчисининг контрагенти хусусий компания бўлса, экспорт кафолатлари тақдим этилади. Контрагент давлат, муниципал ва бошқа давлат идоралари томонидан кафолатланган бўлса эса, экспорт кафилликлари тақдим этилади. Хусусий компания давлат компаниясидан фарқли ўлароқ, тўловга қобилиятсизлик ҳолатида унга нисбатан банкротлик таомили қўлланилиши мумкин.

Экспортчилар учун товарларни жўнатишдан олдин юзага келиши мумкин бўлган ишлаб чиқариш хатарлари ва уларни жўнатишдан кейин юзага келадиган экспорт хатарлари суғурталанади. Ишлаб чиқариш хавфини суғурталашда, экспортёр шартномани ишлаб чиқариш босқичида муддатидан олдин бекор қилинган ёки тегишли иқтисодий ва сиёсий сабабларга кўра тайёр, аммо жўнатилмаган товарларнинг мавжудлиги натижасида этказилган ишлаб чиқариш харажатларини қоплаш кўзда тутилади. Экспорт хавфи юзага келганда, товарларнинг суғурта қилинган шартномавий қиймати қопланиши ва экспорт кредити бўйича тегишли фоизлар тўланиши таъминланади. Кредит ташкилотларига берилган экспорт кредитлари бўйича кафолатлар ва кафилликлар тақдим этилади.

Немис экспортёрларининг рисклари учун кафолатлар ва кафилликларнинг тўртта асосий шакли кўзда тутилган:

- бир марталик қоплаш (битта экспорт шартномаси бўйича ва битта хорижий контрагент учун);
- даврий (қайта тикланадиган) экспорт кафолати ёки кафиллиги кўринишидаги бир неча мартаба қоплаш (қисқа муддатли тўловлар асосида битта контрагентга доимий этказиб бериш);
- кафолатлар ёки кафилликлар беришнинг содалаштирилган тартиби ва суғурта мукофотларини тўлаш учун янада қулай шарт-шароитлар билан экспортни бир марталик қоплаш (қисқа муддатли тўловлар асосида турли мамлакатлардаги кўплаб контрагентларга доимий этказиб бериш);
- махсус қоплаш (бу тур алоҳида муҳокама қилинади, масалан, лизинг битимлари ва қурилиш хизматларини қоплаш).

Экспортга кўмаклашиш миллий тизимининг ташкилий ядроси федерал даражада учта ташкилот – Ташқи ишлар вазирлиги (<http://www.auwaertiges-amt.de>),





Иқтисодиёт ва энергетика вазирлиги (<http://www.bmwi.de>) ва хорижий савдо палаталаридан иборат.

Анъанавий равишда, экспортни қўллаб-қувватлаш соҳасида молиявий институтлар ва жамоат ташкилотлари – Германия Савдо-саноат палаталари уюшмаси (ДИНК, <http://www.dihk.de>), Германия саноат федерал иттифоқи ва унга кирувчи тадбиркорларнинг тармоқ иттифоқлари, Немис экспортёрларининг федерал иттифоқи, дунёнинг алоҳида минтақаларида немис иштирокчиларига ахборот ва таҳлилий ёрдам кўрсатишга ихтисослашган Германия иқтисодиёти кўмиталари муҳим рол ўйнайди. Германия экспортини қўллаб-қувватлаш тизимининг марказий ташкилоти сифатида Германия Федерал иқтисодиёт ва энергетика вазирлиги гавдаланади.

Иқтисодиёт ва Энергетика вазирлигининг ташқи иқтисодий фаолиятга кўмаклашиш соҳасидаги вазибалари:

- ташқи иқтисодий сиёсат, савдо-инвестициявий ҳамкорликнинг мамлакат ва тармоқ устуворликларини ишлаб чиқиш, ушбу соҳада хорижий давлатлар билан шартномаларни (хусусан, давлатлараро ҳамкорлик) тайёрлаш ва амалга ошириш;
- ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш бўйича Германия Trade & Invest давлат агентлиги фаолиятини бошқариш ва назорат қилиш;
- давлат мақсадли экспорт дастурлари ва ташаббусларини режалаштириш ва амалга ошириш;
- немис кичик ва ўрта корхоналарининг экспортини қўллаб-қувватлаш бўйича махсус дастурларни тайёрлаш;
- хорижий Ташқи савдо палаталари фаолиятини молиялаштириш (ДИНК билан биргаликда).

Германияда экспортни қўллаб-қувватлаш миллий тизимининг асосий институтлари 1-расмда кўрсатилган.

Иқтисодиёт ва Энергетика вазирлигининг муҳим ваколоти ташқи иқтисодий фаолиятни федерал ва федерал ерлар даражасида қўллаб-қувватлаш соҳасидаги йирик дастурлар ва ташаббусларнинг амалга оширилишини мувофиқлаштириш ва мониторинг қилишдир. Вазирлик, шунингдек, экспортга кўмаклашиш билан шуғулланадиган федерал институтлар фаолиятини мувофиқлаштириш учун жавобгардир.

Ҳозирги вақтда Германиянинг ташқи савдо палаталари (ВТП) мамлакатнинг хориждаги классик савдо ваколатхоналари роли ва функцияларини бажаради. Улар бежизга Германия экспортини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимидаги учта асосий институтлардан бири ҳисобланмайди. Расмий маълумотларга кўра, 80 дан ортиқ мамлакатларда Германиянинг ташқи савдо палатасининг 120 дан ортиқ хорижий ваколатхоналари мавжуд.





1-расм. Германияда экспортни қўллаб-қувватлаш тизимининг асосий институтлари

Германиянинг ташқи савдо палаталари хорижда қуйидаги асосий вазифаларни бажарадилар (2-расм):

биринчидан, улар Германия иқтисодиётининг ташқи иқтисодий манфаатларини ифодалайди ва ҳукумат номидан қабул қилувчи мамлакат билан савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантиришда бевосита қатнашиши керак;

бу вазифа аслида бошқа қўллаб-қувватлаш мамлакатларнинг давлат савдо ваколатхоналарига (миссия) юкланган вазифага ўхшайди;

иккинчидан, палаталарнинг энг муҳим вазифаси Германия фирмаларига уларнинг ташқи бозорга чиқишига ёки бизнесни ривожлантиришга кўмаклашиш мақсадида бизнес хизматларини кўрсатишдир.



Германия ташқи савдо палаталарининг миллий экспортни қўллаб-қувватлаш соҳасидаги устувор вазифалари

- ҳамкор мамлакатларнинг иқтисодиёти ва ташқи иқтисодий фаолияти, инвестиция ва экспорт салоҳияти таҳлили;
- ташқи иқтисодий ва савдо сиёсатидаги ўзгаришлар тўғрисида бошқарув органларига мунтазам равишда маълумотларни тайёрлаш;
- давлат мақсадли лойиҳа ва ташаббусларини амалга оширишда қатнашиш;
- Немис корхоналарига ахборот-маслаҳат ва юридик хизматлар кўрсатиш;
- ички бозорнинг импорт ва инвестицион талабларига оид тадқиқотлар олиб бориш;
- қабул қилувчи мамлакат давлат бошқарув органлари билан ҳамкорликда Немис экспортёр ва инвесторлари манфаатларини ҳимоялаш(лоббिलाш);
- ТИФни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимининг бошқа институтлари вакиллари билан қўшма тадбирларни амалга ошириш(пиар компаниялар, имиджни ошириш тадбирлари ва ҳ.к.);
- Германия расмийлари ва бизнес соҳаси вакиллари ташрифларини ташкил қилиш ва кузатиб бориш;
- турли проумоторлик тадбирларини ташкил қилиш ва ўтказишда экспортёрларни қўллаб-қувватлаш.

2-расм. Германия ташқи савдо палаталарининг вазифалари

Германия Trade & Invest давлат агентлиги (GTAI, <http://www.gtai.de>) ташқи иқтисодий фаолият миллий иштирокчиларига самарали ахборот-маслаҳат ёрдами тизимининг марказий бўғини ҳисобланади.

Германия Trade & Invest давлат агентлигининг асосий манбаи агентликнинг барча йирик ёки истиқболли ҳамкор давлатлардаги кучли вакиллик тармоғидир, бу ерга барча вазифаларни бажариш учун зарур малакага эга бўлган тажрибали мутахассислар юборилади. Бугунги кунда дунёда GTAInинг 50 га яқин вакиллик идоралари мавжуд.

GTAI, шунингдек, Германиянинг миллий экспортчиларини қўллаб-қувватловчи энг йирик ахборот ресурси, iXPOS Интернет-порталининг (<http://www.ixpos.de>) маълуми сифатида ишлайди. Ушбу портал соҳадаги барча етакчи ваколатли ташкилотларнинг экспортни ривожлантириш воситалари ҳақидаги маълумотларни бирлаштиради. Умуман олганда, Германияда экспорт фаолиятини ривожлантириш соҳасида уч юздан ортиқ турли ташкилотлар фаолият кўрсатмоқда.

Германиянинг экспортни қўллаб-қувватлаш тизими, ташкилий нуқтаи назардан, функциялар, ваколатлар ва мувофиқлаштириш механизмларини аниқ тақсимлайдиган ягона механизмдир. Ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги барча муҳим тадбирлар ва ташаббуслар (шу жумладан минтақавий миқёсда амалга ошириладиган тадбирлар) Иқтисодиёт ва энергетика федерал вазирлиги, айрим



ҳолларда эса мамлакат ташқи ишлар вазирлиги билан келишилган бўлиши керак.

Хулоса ва таклифлар

Хулоса қилиб айтганда, ҳозирги вақтда ривожланган мамлакатларда миллий экспортни қўллаб-қувватлаш учун жуда мукамал тузилма яратилган ва муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда. У бир хил эмас, турли давлатларда умумий хусусиятлар билан бирга фарқли томонлари ҳам мавжуд. Ҳар бир мамлакатда миллий экспортни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш жараёни давом этмоқда, бунинг натижасида экспортни қўллаб-қувватлашнинг умумий воситалари жорий этилиб, миллий фарқлар, қоида тариқасида халқаро ва минтақавий иқтисодий интеграция доирасида қабул қилинган мажбуриятлар таъсири остида ўзгартирилади.

Саноат маҳсулотлари экспортининг ташкилий-иқтисодий механизмлари қўлланилишининг таҳлили куйидаги хулосалар чиқаришга имкон беради:

Ривожланган мамлакатларда давлат томонидан экспортни қўллаб-қувватлаш ташқи иқтисодий сиёсатнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади.

Замонавий иқтисодиётда маҳсулотлар экспортини амалга ошириш ва экспорт ҳажмини ошириш учун бир қатор чоралар ва воситалардан фойдаланиш мумкин, бу эса экспорт қилувчилар учун қулай муҳитни яратишдан тортиб, юқори технологияли экспорт ишлаб чиқаришни ривожлантиришни рағбатлантириш чораларига қадар амалга оширилади. Деярли ҳар бир мамлакатда экспортни қўллаб-қувватлайдиган махсус институтлар мавжуд.

Турли давлатларнинг миллий экспортни қўллаб-қувватлаш тизимлари бир-биридан сезиларли даражада фарқ қилади. Бу экспортни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимлари асосан экспортёрларнинг эҳтиёжларига йўналтирилган бўлиб, улар асосан маълум бир давлатнинг экспорти хусусиятлари, шунингдек молия бозорининг ривожланиш даражаси каби бир қатор омилларга боғлиқ.

Давлатлар миллий экспортёрларга экспортни ривожлантиришга ёрдам берадиган кўплаб молиявий маҳсулотларни таклиф этадилар. Шу билан бирга, баъзи мамлакатларда экспорт кредитлари, кафолатлар ва суғурта билан таъминлайдиган экспортни қўллаб-қувватловчи йирик институтлар ташкил этилган, бошқаларида эса экспортни қўллаб-қувватлаш вазифасини бажарувчи давлат иштирокидаги экспорт кредитлари беришга ихтисослашган банклар ва экспортнинг классик кредит агентликлари каби бир нечта институтлар мавжуд.

Етакчи экспортёр-давлатлар томонидан экспортни қўллаб-қувватлашнинг номолиявий усулларига жиддий эътибор берилмоқда. Экспортни ахборот билан таъминлаш ва маҳсулотни реклама қилиш муаммосини ҳал қилиш учун мамлакатда экспортни ривожлантириш бўйича махсус агентликлар ташкил этилган бўлиб, улар экспорт қилувчи мамлакатда ҳам, хорижда ҳам кенг ваколатхоналар тармоғи орқали фаолият олиб боради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Plyosov, A. (2020). Some problems in digital production and export of industrial products in the digital economy. *Economics and finance*. 3. 175-182 p. ISSN 2010-9997





2. Kurpayanidi, K. I., & Ilyosov, A. A. (2020). Problems of the use of digital technologies in industry in the context of increasing the export potential of the country. *ISJ Theoretical & Applied Science*, 10 (90), 113-117. Soi: <http://s-o-i.org/1.1/TAS-10-90-23> Doi: <https://dx.doi.org/10.15863/TAS.2020.10.90.23>
3. Kurpayanidi, K. et al. (2020). The issue of a competitive national innovative system formation in Uzbekistan. *E3S Web of Conferences*. – EDP Sciences, 2020. – T. 159. – С. 04024. DOI: <https://doi.org/10.1051/e3sconf/202015904024>
4. Курпаяниди, К.И. (2022). Цифровая трансформация как перспективное направление развития промышленности Узбекистана. *Экономика и бизнес: теория и практика-Economy and Business: Theory and Practice*, vol. 9 (91). С.120-124, ISSN 2411-0450. Doi: <https://doi.org/10.24412/2411-0450-2022-9-120-123> <http://economyandbusiness.ru/wp-content/uploads/2022/10/Ekonomika-i-biznes-9.pdf>
5. Abdullayev, A. M., & Kurpayanidi, K. I. (2020) Analysis of industrial enterprise management systems: essence, methodology and problems. *Journal of Critical Reviews*, 7 (14), 1254-1260. <https://dx.doi.org/10.17605/OSF.IO/E6JFS>.
6. Ilyosov, A.A. (2022). Prospects for industrial export cluster development - sanoat eksporti klasterlarini rivojlantirish istiqbollari. *Nazariy va amaliy tadqiqotlar xalqaro jurnali*, 2(2), 23–30. Doi: <https://doi.org/10.5281/zenodo.6466280>
7. Ilyosov, A. A. (2020). Industrial and regional analysis of industrial production and export in Uzbekistan. *EPR International Journal of Research and Development (IJRD)*, 5(10), 173-179.
8. Ilyosov, A. A. (2022). Sanoat mahsulotlari eksporti: hududiy tahlil, omillar va eksportdagi tendentsiyalar (Farg‘ona viloyati misolida). *Nazariy va amaliy tadqiqotlar xalqaro jurnali*, 2 (1), 31-40. Doi: <https://doi.org/10.5281/zenodo.6089956>
9. Kurpayanidi, K. I., & Ilyosov, A. A. (2020). Koronavirus pandemiyasining jahon va hududiy sanoat mahsulotlari eksportiga ta'siri: muammo va takliflar. “Yangi O‘zbekiston iqtisodiyotining makroiqtisodiy barqarorligini taminlash: muammolar, tahlillar va natijalar” mavzusida Respublika miqyosida onlayn, ilmiy masofaviy konferentsiya materiallari.
10. Курпаяниди, К. И., & Илёсов, А. А. (2022). Саноат маҳсулотлари экспортининг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш (Фарғона вилояти саноат тармоғи мисолида)// Монография. Al-Ferganus, 2022. ISBN 978-9943-7707-5-1. – DOI: <https://doi.org/10.5281/zenodo.6618980>
11. Котов, А. В. (2021). Экспортные инициативы германии как меры поддержки вывода технологий на мировой рынок. *Экономика и бизнес: теория и практика*, (7), 63-68.
12. Margianti, E. S., Ikramov, M. A., Abdullaev, A. M., Kurpayanidi, K. I., & Ashurov, M. S. (2014). Systematical analysis of the position and further development of Uzbekistan national industry in the case of economic modernization. Monograph. Indonesia, Jakarta. *Indonesia. Jakarta. Gunadarma Publisher*.
13. Михайлов, А. Б. К вопросам инвестирования в человеческий капитал / А. Б. Михайлов, Д. Э. Муниров // *Экономика и социум*. – 2021. – № 12-2(91). – С. 239-249.






14. Мамуров, Д. (2021). Инновационная система предприятия как основа модернизации современной промышленной корпорации. *Общество и инновации*, 2(4/S), 322–328. Doi: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol2-iss4/S-pp322-328>
15. Семенчук, А. В., & Клименкова, Д. С. (2021). Опыт государственного регулирования экспортных операций в Федеративной Республике Германия. *Вестник Гродненского государственного университета имени Янки Купалы. Серия 5. Экономика. Социология. Биология*, 11(1), 41-46.





E'lon / Reklama / Advertisement

ЭЪЛОН



Хурматли ҳамкасабалар “Al-Ferganus” нашриёти ва “Xalqaro nazariy va amaliy tadqiqotlar jurnali” электрон журнали Ўзбекистон таълим хизматлари бозорида ўзининг фаолиятини бошлаганлигини маълум қиламиз.

Ажойиб имкониятдан сиз биринчилар қаторида фойдаланиб илмий нашрларингизни чоп этишингиз мумкин.

“Al-Ferganus” нашриётимиз томонидан Сиз тақдим этган дарслик, ўқув қўлланма, монография ва илмий рисодаларга ISBN, Doi халқаро рақамли идентификаторларни бириктириш, уларнинг электрон замонавий андозадаги муқовалар ва ишланмаларнинг электрон макетини яратиш, нашриётда эълон қилинган ишларни электрон ахборот нашрларида жойлаштириш хизматлари кўрсатилади.

Бизнинг нашриётимизнинг бошқа нашриётлардан фарқи шундаки, тезкор ва сифатли хизмат кўрсатамиз ҳамда энг асосийси биз Сизнинг ишларингизни Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ва Россия Миллий кутубхонаси фондларига бепул жойлашга шунингдек, Россия илмий иқтибослик индекси (РИНЦ ва E - library) платформасига, CrossRef базаларига шартнома асосида жойлаштиришга кўмаклашамиз.

“Xalqaro nazariy va amaliy tadqiqotlar jurnali” ISSN 2181-2357 электрон журнали ҳам ўз фаолиятини бошламоқда. Бизнинг журналда Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг куйидаги ихтисосликлари физика-математика, кимё, биология, геология-минералогия, техника, қишлоқ хўжалиги,





тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, география, юридик, педагогика, тиббиёт санъатшунослик, архитектура, психология, социология фанлари бўйича миллий ва хорижий муаллифларнинг фанлардан эришган ютуқлари ва истиқболлари борасидаги илмий мақолалари, илмий тадқиқотлар олиб бораётган олимларнинг илмий изланишлари натижалари эълон қилинади. Электрон журнал ҳар ойда бир марта эълон қилинади.

Журналларда эълон қилинадиган ҳар бир мақолага шартнома асосида DOI (Crossref) рақами бериледи.

Шунингдек, таҳририят томонидан:

- мақолаларни сифатли таржима қилиш;
- мақолаларни таҳрирлаш ва журналлар талабига мослаш;
- мақолаларга ишлов бериш;
- мақолаларни плагиатга текшириш;
- хориждаги нуфузли (Scopus, Web of sciences ва юқори импакт факторли) журналларда мақолларни сифатли ва ишончли чоп этишга кўмаклашиш хизматларини ҳам кўрсатади.

Имкониятни бой бериб қўйманг!

Қуйидаги манзилларга мурожаат қилинг:

Электрон почта манзили: Alferganus.ltd@gmail.com

Телеграмм манзилимиз : @Alferganus_ltd

Телефонлар: (97) 100-38-88

(91) 109-05-38

(97) 337-86-00





PUBLIC IDENTIFIERS OF INTERNATIONAL JOURNAL OF THEORETICAL AND PRACTICAL RESEARCH

PUBLISHER: AL-FERGANUS LLC - UZBEKISTAN

INTERNATIONAL JOURNAL ADDRESS^{IJA}



IJA.ZONE/16456457645

INTERNATIONAL JOURNAL OF THEORETICAL AND PRACTICAL RESEARCH^{IJA}

INTERNATIONAL ARTICLE ADDRESS^{IAA}



IJA.ZONE/1264564543


INTERNATIONAL JOURNAL OF THEORETICAL AND PRACTICAL RESEARCH^{IAA}



License type supported CC: Attribution 4.0 International (CC BY 4.0)



ВНИМАНИЕ ОБЪЯВЛЕНИЕ!



Уважаемые коллеги! Сообщаем вам, что издательский дом «AL-FARGANUS» и «Xalqaro nazariy va amaliy tadqiqotlar jurnali»- «Международный журнал теоретических и прикладных исследований» начали свою деятельность на рынке образовательных услуг Узбекистана.

Это прекрасная возможность одним из первых опубликовать свои научные публикации. Наше издательство «AL-FARGANUS» предоставляет услуги по прикреплению международных цифровых идентификаторов ISBN, Doi к учебникам, учебным пособиям, монографиям и научным брошюрам, созданию электронных макетов их обложек и дизайнов в современной электронной форме, размещению опубликованных работ в электронные публикации.

Отличие нашего издательства от других издательств в том, что мы предоставляем быстрые и качественные услуги, а главное, бесплатно размещаем ваши работы в Национальной библиотеке Узбекистана им. Алишера Навои и оказываем помощь в размещении вашей работы в Российской национальной библиотеке, а также на платформе Российского индекса научного цитирования (РИНЦ, e-library) облегчить размещение.

Совместно с Ферганским политехническим институтом запущен проект электронного научного журнала «Xalqaro nazariy va amaliy tadqiqotlar jurnali - International Journal of Theoretical and Practical Research. Международный журнал теоретических и прикладных исследований».

Миссия научного электронного журнала направлена на развитие национальной и зарубежной науки, обеспечение общедоступности теоретических





позиций и практических результатов прикладных исследований. В журнале представлены следующие специальности Высшей аттестационной комиссии Республики Узбекистан по физике и математике, химии, биологии, геологии и минералогии, технике, сельскому хозяйству, истории, экономике, философии, филологии, географии, праву, педагогике, медицине, архитектуре, психологии, социологии. Журнал публикует научные статьи отечественных и зарубежных авторов о достижениях и перспективах науки, результатах научных исследований ученых, проводящих исследования. Электронный журнал издается один раз в месяц.

Каждой статье, опубликованной в журнале, на контрактной основе присваивается номер DOI (Crossref).

Также издательство оказывает услуги по:

- качественный перевод статей;
- редактирование статей и адаптация к требованиям журнала;
- обработка статей;
- проверка научных работ (статей, учебных пособий, монографий, диссертаций и др.) на плагиат статей;
- оказывает информационное обеспечение публикаций статей в престижных зарубежных журналах (Scopus, Web of Sciences и журналах с высоким импакт-фактором).

Не упускайте возможность!

Пожалуйста, свяжитесь с нами:

Электронный адрес: Alferganus.ltd@gmail.com

Наш адрес в телеграмм: @Alferganus_ltd

Телефоны: (97) 100-38-88

(91) 109-05-38

(97) 337-86-00





PUBLIC IDENTIFIERS OF INTERNATIONAL JOURNAL OF THEORETICAL AND PRACTICAL RESEARCH

PUBLISHER: AL-FERGANUS LLC - UZBEKISTAN

INTERNATIONAL JOURNAL ADDRESS^{IJA}



I J A . Z O N E / 1 6 4 5 6 4 5 7 6 4 5

INTERNATIONAL JOURNAL OF THEORETICAL AND PRACTICAL RESEARCH^{IJA}

INTERNATIONAL ARTICLE ADDRESS^{IAA}



I J A . Z O N E / 1 2 6 4 5 6 4 5 4 3

INTERNATIONAL JOURNAL OF THEORETICAL AND PRACTICAL RESEARCH^{IAA}



License type supported CC: Attribution 4.0 International (CC BY 4.0)



2021-06-22 00:02:38



O'zbekiston Respublikasi
Prezidenti
Administratsiyasi
huzuridagi Axborot
va ommaviy
kommunikatsiyalar
agentligi

№ 7430-3360-d0e2-4e5b-8cf1-9914-2923
Hujjat yaratilgan sana: 2021-06-22
Ariza raqami: 32087634

Hujjat berilgan: ОБЩЕСТВО С ОГРАНИЧЕННОЙ
ОТВЕТСТВЕННОСТЬЮ "AL-FERGANUS"
Qabul qiluvchining identifikatsiya raqami: 308291417

Ommaviy axborot vositasi davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida
GUVOHNOMA

№ 1189

Nomi: "Xalqaro nazariy va amaliy tadqiqotlar"

Tarqatish shakli: jurnal

Til(lar)i: o'zbek, rus, ingliz

Muassis(lar)i: "AL-FERGANUS" mas'uliyati cheklangan jamiyat

Ixtisoslashuvi: fan sohalaridagi ilmiy nashr

Tahririyat manzili: 150100, Farg'ona viloyati, Farg'ona shahar, Mustaqillik ko'chasi, 42-uy

Tarqatish hududi: O'zbekiston Respublikasi hamda belgilangan tartibda chet davlatlarga

Berilgan sanasi: 17-06-2021

Ro'yxatdan o'tkazuvchi organ rahbari: Xodjayev Asadjon Azatbekovich

Mazkur hujjat Vazirlar Mahkamasining 2017 yil 15 sentyabrdagi 728-son qarori bilan tasdiqlangan O'zbekiston Respublikasi Yagona interaktiv davlat xizmatlari portali to'g'risidagi nizomga muvofiq shakllantirilgan elektron hujjatning nusxasi hisoblanadi. Elektron hujjatning nusxasida ko'rsatilgan ma'lumotlar to'g'riligini tekshirish uchun repo.gov.uz veb-saytiga o'ting va elektron hujjatning noyob raqamini kiriting yoki mobil telefon yordamida QR-kodni skaner qiling. Diqqat! Vazirlar Mahkamasining 2017 yil 15 sentyabrdagi 728-son qaroriga muvofiq elektron hujjatlardagi ma'lumotlar qonuniy hisoblanadi. Davlat organlariga Yagona portalda shakllantirilgan elektron hujjatlarning nusxalarini qabul qilishni rad etishlari qat'iy taqiqlangan.

9103

